


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсустаълим вазирлиги

70611001- Телекоммуникация инжениринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш)
магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий коидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>70611001- Телекоммуникация инжениринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи</i>	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1	<i>70611001- Телекоммуникация инжениринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>70611001- Телекоммуникация инжениринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи</i>	4
1.2.1	<i>70611001- Телекоммуникация инжениринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари</i>	4
1.2.2.	<i>70611001- Телекоммуникация инжениринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари</i>	5
1.2.3.	<i>70611001- Телекоммуникация инжениринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари</i>	5
1.2.4.	<i>70611001- Телекоммуникация инжениринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазибалари</i>	5
2.	<i>70611001- Телекоммуникация инжениринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i>	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув варағи.....	9

1. 70611001- Телекоммуникация инжиниринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70611001- Телекоммуникация инжиниринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурнинг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70611001- Телекоммуникация инжиниринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби *70611001- Телекоммуникация инжиниринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш)* магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

-мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун маъсул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

-магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талаблари;

-магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолаш амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

-таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

-олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

-олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

-кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

-олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган бакалаврият битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70611001- Телекоммуникация инжиниринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70611001- Телекоммуникация инжиниринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70611001- Телекоммуникация инжиниринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш)– телекоммуникация соҳасига оид мутахассислик бўлиб, олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларда илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик

шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, касбий фаолиятининг соҳалари давлат ва нодавлат корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда телекоммуникация ва мобиль алоқа технологиялари соҳасида комплекс масалаларни ечиш, ва уларнинг тузилмавий тизимларининг барча шаклида хизмат кўрсатиш мажмуасини камраб олади.

1.2.2. 70611001- Телекоммуникация инжениринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириши) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;

- телекоммуникация тизимида ахборотларни узатиш жараёнлари;

- телекоммуникация тармоқларини бошқариш ва химоялаш тизимлари;

- телерадиоэшиттириш технологиялари ва қурилмалари;

- телекоммуникация тармоқларини лойихалаштириш жараёнлари;

- телекоммуникация тизимлари ва тармоқларини оптимал куриш жараёнлари.

1.2.3. 70611001- Телекоммуникация инжениринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириши) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

• Илмий-тадқиқот фаолияти;

• Педагогик фаолият;

• Лойихавий-конструкторлик фаолияти;

• Ишлаб чиқариш – технологик фаолияти;

• Ташкилий-бошқарув фаолияти;

• Консалтинг хизмати фаолиятини.

1.2.4. 70611001- Телекоммуникация инжениринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириши) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70611001- Телекоммуникация инжениринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириши) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;

-илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва тахрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шархларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

-илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар хақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;

-илмий семинар, конференция ва сипозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

-мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойихаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

-олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

-ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

-электрон(e-learning), мобил (m- learning), масофавий ахборот технология ва ўқув методик мажмуаларни мукамал ўзлаштириш;

-педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолиятида:

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, инфорацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш;

- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш;

- телекоммуникация соҳасига янги инновацион лойиҳалар ва технологик жараёнларни тадқиқ қилинишини ташкил қилиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаши;

- илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиши;

- касбий этика кодексига риоя қилиши қобилиятларига эга бўлиши лозим

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- лойиҳаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, фавқулудда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш, лойиҳа командасини бошқариш;

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида мавжуд ҳолатнинг аналитик шарҳини ишлаб чиқиш;

- Телекоммуникация инжиниринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш) магистр ихтисослигига мос бўлган мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

2. 70611001- Телекоммуникация инжиниринги (Ахборот узатиш тизимлари, Телекоммуникация тармоқлар, Телерадиоэшиттириш)

таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компететенцияларга қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш;

- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш;

- миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиш;

- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар хақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси хақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиш;

- шахнинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллаш олиш;
- янги билимларни мустақил ўзлаштириш олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиш;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиш;
- ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиш;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;
- касбий фаолиятда ўзлаштирилган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;
- хорижий тилларнинг биридан илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида фойдалана олиш;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаш;
- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиш;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиш;
- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш;
- патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиш; давлат, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фўйдаланишни билиш;
- таълим сифатида ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш марказларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни

режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларга эга бўлиш;

- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, инфор­мацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиш;

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва ўқув дастури (магистратура дастури), профиль, ўқув даври, таълим технологиялари, конун, қоида, қарор, олий таълим, ўқув жараёни, магистратура, консалтинг, лойиҳа-кидирув, педагогик, илмий-педагогик иш, малака амалиёти, магистрлик диссертацияси, баҳолаш, сифат назорат, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, амалиёт объекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми, илмий фаолият, ички назорат, якуний давлат назорати, давлат-жамоатчилик назорати, ташқи назорат, моддий-техник база, телекоммуникация технологиялари, телерадиоэшиттириш, мобил тизимлар, телекоммуникация тармоқлари, тизимларни моделлаштириш, тармоқнинг дастурий таъминоти, тармоқни лойиҳалаш.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари университети

Ректор в.б.  Б.Махкамов

202_ йил « » _____



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги
Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илгор технологияларни
таъбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсонов

202_ йил « » _____
М.Ў.



“Ўзбектелеком” АК бош
директори ўринбосари в.б.

 А.Арифджанов

202_ йил « » _____
М.Ў.



«UNICON.UZ» ДУК

Директор  М.Махмудов

202_ йил « » _____
М.Ў.



“Ўзбектелеком” АК
“Телекоммуникация ва персонални ри-
вожлантириш
маркази” филиали ўқув-методик
бўлими бошлиғи

 И. Султанов

202_ йил « » _____
М.Ў.



Кадрлар буюртмачилари

Кадрлар буюртмачилари